



Давлат мушрифлари ва уларнинг маошлари ҳақида

Ишончли кишинигина ашрофликка тайинлайдилар, чунки улар сарой сирларидан доимо хабардор бўлиб, лозим бўлган пайтдагина айтиб берадилар. Улар ишончли ва тўғрисиўз кишиларни давлат мол-мулкани муҳофаза қилиш учун шаҳар ҳамда ноҳияларга ноиб сифатида юборадилар.

Ашрофлар ўз мартаба ва билимларига кўра маош олишлари зарур. Уларнинг ойлик харажат ва маошларини раият ҳисобидан эмас, балки хазинадан берадилар. Шунда халқ бошига ранжу азоб тушмайди, ашрофлар ва ноибларнинг хожатлари хиёнатга ва пора олишга тушмайди, зеро, ростлигу ҳалолликдан топилган молу давлат уларга қифоя қилади.